

ТОШКЕНТ ХАҲИКАТИ

7-ЙИЛ ЧИКИШИ
№ 85 (1605)
28
АПРЕЛЬ
ПАИШАНБА
1960 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИЙИНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

Тошкент областининг барча колхозчилари, совхоз ва РТС ишчилари, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги мутахассисларига область қишлоқ хўжалик илғорлари кенгаши қатнашчиларининг МАЖТУБИ

Қадри ўртоқлар!

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг ҳамма ерида совет кишилари жўшқин ижодий меҳнат қилмоқдалар. Улар Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съезди белгилаб берган улғувор вазифаларни амалга ошириш, етти йилликнинг иккинчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун зўр кўтаринки руҳ билан кураш олиб бормоқдалар.

Биз, Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил жиддий синов олдиди турибмиз. Утган йили областимиз, пахтачиликни ривожлантириш соҳасида эришган фойда катта муваффақиятлари учун мамлакатимизнинг энг олий мукофоти — Ленин ордени билан тақдирланди. Бу юксак мукофот зиммачизга катта вазифаларни юклайди. Биз эришилган муваффақиятни мустаҳкамлашимиз ва янги галабаларни қўлга киритишимиз лозим.

Область пахтакорлари, чорвадорлари, дубчилари, сабзавотчилик хўжаликларининг ходимлари, пиллачилари ва боғбонлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларига жавобан ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олдилар. Улар ички резервларни ишга солиб, колхоз ва совхозларимизда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча соҳаларини янада юксалтириш, деҳқончилик маданиятини ва меҳнат унумдорлигини тагин ҳам ошириш ҳамда пахта ва бошқа маҳсулотларнинг таннаҳини камайтириш учун социалистик мусобақани бошлаб юбордилар.

Ўртоқлар, бизнинг вазифамиз — деҳқончилик маданиятини ошириш, барча ишларни ўз вақтида, юқори сифатли қилиб ўтказиш учун қатъиятлик ва зўр куч билан астойдил меҳнат қилишдан иборат. Меҳнатни ташкил қилишнинг янги, мукамилроқ формаларини қидириб топиш, агротехника ва зоотехника қоидаларини юзаси эмас, балки ижодий қўлланишга қатъий туриб эришиш керак.

Келинлар, пахта учун олиб бориладиган курашда сабот-матонат ва қатъиятлик кўрсатайлик, барча янгиликларни, илғор методларни тиймай жорий қилайлик. Шунда ишимиз, шубҳасиз, яхши натижалар беради. Биз йилни ёмон бошламадик. Баҳор кечикиши ва об-ҳавонинг нокулай келишига қарамай, областимиз Ўзбекистонда биринчилар қаторида, ўтган йилдагидан уч кун илгари — 22 апрелда чигит экишни тамомлади. Айрим жойларда дарах экидан чигит униб чиқа бошлади.

Биз чигит экишни қисқа муддатларда тамомлаб, ўзанинг ривожланиши учун зарур бўлган вақтдан ютдик. Энди олдимизда турган биринчи навбатдаги вазифа — эришилган муваффақиятини қўлдан бой бермаслик. зарарли хатиркамлик нафийлигига йўл қўймасдан барча майдонларда чигитни ёппасига ундириб олиб, ўзга қатор ораларини ишлашни дарҳол қиситиб юборишдан иборат.

Айрим колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, бригада бошлиқлари чигитни тўла ва беҳато ундириб олиш ҳақида етарли ғамхўрлик қилмаёттирлар. Улар туپроқнинг устки қатламида ҳосил бўлган қатқалоқни юмшатишга тайёргарлик кўрмаёттирлар. Тракторларга култиваторлар ва ўғитлагичларни тиркашда сусткашликка йўл қўймоқдалар. Қишлоқ хўжалик зараркундаларининг хавфига етарли баҳо бераётган хўжаликларнинг раҳбарлари катта хатога йўл қўймоқдалар.

Ўртоқлар!

Ҳар қандай сустнашлик ишга катта зарар етказиши мумкин. Агар биз ҳар бир кундан, ҳар бир соат ва минутдан тўла фойдаланганимизга ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиштиришни кўпайтириш йўлидаги курашда ютиб чиқамиз. Кўнланнинг меҳнати бутун йилнинг рохати деган ҳақнинг ҳинматли гапи бор. Бу жуда ўйлаб айтилган мақол. Бир кун бўлса ҳам вақт бой берилса, мўл ҳосил учун курашда кўп нарса ютқазилиши мумкин. Буни ҳар биримиз доимо ёдда тутишимиз керак.

Утган йилги аччиқ сабоқлар ҳеч кимнинг асидан қимчаслиги зарур. Ўзанинг дастлабки ривожланиш даврида агротехника тадбирларини кечикиб амалга ошириш эрта баҳорда қўлга киритган барча муваффақиятларни зое кетказган эди.

Барча колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, хўжаликларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари бутун кучини чигитни тўла ва бир текис ундириб олишга, сўнгра дарҳол ишни бир соат бўлса ҳам орқага сурмай ўзгага юқори сифатли ишлов беришни кенг авж олдириб юборишга қаратишлари зарур. Янги 8—10 кун ичида чигит ундириб олинган, областда кўчатларни бунетлаш ва ўзани ҳам механизмлар билан, ҳам қўл билан яғана қилишни тамомлаш лозим. Бизнинг вазифамиз — умуман область бўйича ҳар гектар ерда камида 90—100 минг туп кўчат ҳосил қилиш ва уни мавсумнинг охиригача сақлаб қолишдан, май ойининг охирида барча майдондаги ўзанинг шоналашига эришишдан иборат. Бу июнь ойининг охирида кўпчилик майдонларда ўзани

гуллаб олиш, август-ойининг охирида эса қўсақларнинг очилишига имкон беради.

Биз пахтачиликда ишлаётган барча кишиларни қўйдиғиларини амалга оширишга чақирамиз:

май ойида ўзгага камида икки марта тўла ишлов бериш;

15 майгача барча майдондаги ўзани маҳаллий ўғитдан кенг фойдаланган ҳолда бир марта озиқлантириш, 10 июнгача эса ўзани азотли ўғитлар билан озиқлантиришни тамомлаш;

ҳамма жойда бегона ўтларга ва қишлоқ хўжалик зараркундаларига қарши қатъий курашни нўжайтириб юбориш ва уларнинг пахтазорларда тарқалишига сира ҳам йўл қўймаслик;

маҳаллий шароитни ҳисобга олиб, ўзани сугориш планини шундай синчиқлаб ишлаб чиқиш керакки, токи экинни чанқатиб қўйиш ёки кўлгаги сугоришга йўл қўйилмасин.

Қадрон ўртоқлар!

Жонажон Коммунистик партиямиз, унинг ленинчи Марказий Комитети бизнинг олдимизга биринчи даражада муҳим вазифа — кетмонни ўзгага ишлов берадиган курашда сафидан суриб чиқариш, комплекс механизацияни, пахта машина билан теришни кенг жорий қилишни таъминлаш вазифасини қўйди.

Бу вазифани амалга ошириш учун бутун кучимизни, ғайратимизни, юратимизнинг бутун хароратини сарфлайлик. Камида 120 минг гектар ердаги ҳосилни, яъни камида 140 минг тонна «оқ олтин»ни машиналар билан териб олишни таъминлайлик. Пахта машина билан териш ишнинг муваффақиятли ўтказиш учун техника ва механизатор кадрларни ўз вақтида тайёрлаб қўйايлик.

Валентин Топко, Турсуной Охунова, Василий Бибаров, Насиб Бекеров, Жаҳод Кўчиев ва ўз ишнинг ҳақиқий усталари бўлган бошқа машхур механизаторлардан, аjoyиб новаторлардан намуна олиб ишлаётган кишиларнинг қатори ўссин ва кенгайсин!

Бундан бир йил илгари Ганшер Юнусов бошлиқ трактор-далачилик бригадаси томонидан ҳар гектар ердан 50 центнер ҳосил олиш учун бошлаб берилган шонли ҳаракат бундан кейин ҳам кенгайсин, ҳақиқий оммавий ҳаракатга айлانسин.

Биз барча колхозчиларни ва совхозларнинг ишчиларини меҳнат активлигини янада оширишга, энг юксак меҳнат унумдорлигига эришишга ва пахтанинг таннаҳини кескин равишда камайтиришга чақирамиз.

Ҳосилнинг тақдирини ҳал қилинган, ҳар бир кун жуда қиммат бўлган ҳозирги вақтда бирон киши ҳам пахта учун олиб берилаётган курашдан четда қолмаслиги керак. Фақат биргалашиб куч-ғайрат сарфлаб, «бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган принцинга амал қилиш орқалигина биз олинган мажбуриятларни бажара оламиз.

Биз колхоз ва совхозларнинг раҳбарларини далада ишлаётган кишиларга яхши маданий-машини шароитлар яратиб беришга чақирамиз. Умумий овқатланишни ташкил қилиш, болалар муассасаларининг ишнинг яхшилаш, дала шийонларини тартибга келтириш ва уларни пахтакорлар ҳақиқий маданий дам оладиган жойга айлантириш зарур. Бу — далада ишлаётган кишиларнинг унумли меҳнат қилишида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Қадри ўртоқлар!

Бизнинг зиммачизга бу йилги қишлоқ хўжалик йилининг натижаси учун катта масъулият юклатилган. Биз давлатга 475 минг тонна пахта сотамиз, деб тантанали ваъда берганмиз, давлатга икки йиллик план миқдорига ўшш сотиш, сут, тухум ва жун етиштиришни янада кўпайтириш, сабзавот, картошка, луб ва полз экинлари ҳосили, мева, узум ва пилла етиштиришни кўпайтириш мажбуриятини олганмиз.

Республика бўйича олинган мажбуриятларни бажариш учун барча ўзбек халқи олиб борадиган курашнинг натижаси кўп жиҳатдан бизга, бизнинг ишимизга боғлиқ. Ҳар биримиз олинган мажбурият учун, ўзимиз ишлаётган участкадаги ишнинг муваффақияти учун юксак жавобгарлигини ҳис этайлик.

Биз 1960 йилни яхши якунлай оламиз ва яхши якунлашимиз зарур. Бунинг учун барча шароитлар мавжуд!

Сафларимизда оз бўлса ҳам хотиржамлик, кибрланиш ва ўз-ўзини юпатиш кайфиятидаги кишилар бўлмаслиги керак.

Ўртоқлар, аҳил бўлиб фидокорона меҳнат қилайлик!

Барча кучимизни етти йилликнинг иккинчи йили вазифаларини муваффақиятли амалга оширишга сарфлайлик!

Ўзбек халқининг 3 миллион 170 минг тонна пахта учун, етти йиллик плани муддатидан илгари бажариш учун олиб борадиган курашига муносиб ҳисса қўшайлик!

(БУ МАЖТУБ КЕНГАШ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН МУҲОМА ЭТИЛИБ, БИР ОҒИЗДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН).

Озарбайжон халқининг жонажон Коммунистик партияга муҳаббати ва миннатдорчилиги

Озарбайжон ССР меҳнаткашлари Озарбайжонда Совет ҳокимияти ўрнатилишининг ва Компартия тузилишининг 40 йиллигини тантанали вазиятда нишонламоқдалар.

Ана шу шонли воқеа муносабати билан 25 апрелда Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг тантанали мажлисида ва Озарбайжон ССР Олий Советининг юбилей сессиясида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Иттифоқи Министрлар Советига ақдидлик билан мактуб қабул қилинди. Тантанали мажлис қатнашчилари республиканинг барча меҳнаткашлари номидан Коммунистик партиянинг жанговар штаби — КПСС ленинчи Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Иттифоқи ҳукумати га чексиз миннатдорчилик ва муҳаббат туйғуларини билан оталиш салом йўллайдилар.

Озарбайжон халқи, ўқитиб ўталади мактубда, унинг озодлиги, бахт-саодати, мустақиллиги Улғу Октябрь социалистик революцияси тўғрисида қўлга киритилганлигини ҳеч қачон унутмайди. Улғу Октябрь социалистик революцияси Совет Иттифоқи халқларининг тарихий тақдирдагина эмас, балки дунёдаги барча мамлакатлар ва халқларнинг тарихий тақдирини ҳам бурилиш нуқтаси бўлди.

Озарбайжон халқининг Ватанимиздаги барча халқлар билан даставвал, улғу рус халқи билан буюк қардошлиги кўп сонли душманларга қарши муқаддас курашда ўси ва чиникди. Рус халқи, дейилади мактубда, доимо бизнинг катта оғамиз ва вафодор дўстимиз бўлиб келди. Озарбайжон халқи Совет Иттифоқининг барча халқлари сингари ўз намунаси билан инсониятга тинчлик, озодлик, қардошлик ва бахт йўлини кўрсатиб турган Советлар мамлакатининг улғувор муваффақиятлари билан фахрланади.

Озарбайжон халқи қирқ йилдан бери улғу Ленин кўрсатган йўдан бормоқда. Шу вақт ичида Озарбайжон Шарқ чегарасидаги намунали социалистик республикага айланди. Қирқ йил ичида Совет Озарбайжонининг саноати маҳсулот ишлаб чиқаришни деярлик 36 баравар кўпайтирди. Республикада саноатнинг қўлига янги тармоқлари вуужда келтирилди, жуда йirik саноат объектлари қурилди.

Республика колхозчи деҳқонлари ҳам катта муваффақиятларга эришдилар. Ҳозир Озарбайжонда ҳамма асосий қишлоқ хўжалик ишлари тракторлар ва бошқа машиналар ёрдамида бажариламоқда. Революциядан илгари даврга нисбатан пахта етиштириш беш баравар кўпайди.

Совет ҳокимияти йилларида Озарбайжон халқининг мазмунан социалистик, шаклан миллий маданияти мавж уриб яшнади. Партия ғамхўрлиги тўғрисида, талафди олимлар ва ёзувчилар, композиторлар, рассомлар ва ҳайкалтошларнинг бутун бир плеядаси ўсиб етишди. Етти йиллик план Совет Озарбайжонини экономикаси ва маданиятини янада қўдратли даражада юксалтириш учун улғувор истиқбол очиб беради.

КПСС Марказий Комитети, СССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг табригини самимий миннатдорчилик билан қабул қилиб, дейилади мактубнинг охирида, биз нишонтириб айтмизки, Озарбайжон халқи КПССнинг жанговар отрядларидан бири — Озарбайжон Коммунистик партияси раҳбарлиги остида ленинизмнинг тодбона байроғига чексиз садоқатни, қардош халқлар билан ўз-ўзарига дўстлигини бундан бун ҳам кўзқорачидай муқаддас сақлайди, Ватанимиз қудратини мустаҳкамлайди, партия ва ленинчи Марказий Комитети теварағига янада мустаҳкамроқ жипслашади. Коммунизм галабаси учун куч ва ғайратимизни аямаймиз! (ТТ)

Озарбайжон ССРнинг ва Озарбайжон Компартиясининг 40 йиллиги шарафига қабул маросими

БОКУ, 26 апрель. (ТАСС). Бугун кечқурун Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Озарбайжон Совет Социалистик Республикасининг ва Озарбайжон Коммунистик партиясининг 40 йиллиги шарафига қабул маросими ўтказдилар.

Қабул маросимида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. Ю. Охундов, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ С. М. Жафаров, Озарбайжон ССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ М. А. Искандеров, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Е. Семчакстий, Ф. Н. Алимов, С. А. Мирзоев, Н. М. Хокиев, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва Марказий Комитет аъзоларига кандидатлар, Озарбайжон Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзолари, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари, министрлар, республика бошқармаларининг раҳбарлари, СССР Олий Советининг ва Озарбайжон ССР Олий Советининг депутатлари, кеска

большевиклар, саноат ва қишлоқ хўжалик илғорлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари, генераллар ва адмираллар, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг, Озарбайжон ССР Министрлар Советининг ва Олий Совети Президиумининг масъул ходимлари, матбуот ходимлари ҳозир бўдилар.

Қабул маросимида қатнашганлар орасида юбилей тапталарига қатнашган учун Озарбайжон меҳнаткашларига меҳмон бўлиб келган қардош республикалар халқларининг — РСФСР, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Қозғоғистон, Грузия, Литва, Молдавия, Латвия, Ўзбекистон, Тожикистон, Арманистон, Туркменистон, Эстония, Догистон делегациялари бор эди.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ю. Охундов ўртоқ Н. С. Хрушчевни, республика ва Озарбайжон Компартиясининг юбилей байрамида қатнашган қардош республикаларнинг вакилларини ҳамда қабул маросимида ҳозир бўлган меҳмонларнинг ҳаммасини қизгин табриклади.

Қабул маросими гот хурсандлик ва самимият вазиятида ўтди.

Қабул маросими қатнашчилари учун катта концерт берилди.

Озарбайжон пойтахтида кўп минг кишилик митинг

БОКУ, 26 апрель. (ТАСС). Бугун куннинг иккинчи ярмида Н. В. Сталин номиди республика стадионида оммавий митинг бўлди. Бу митингда республика меҳнаткашлари вакилларидан 50 мингга яқин киши қатнашди.

Митингда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, Озарбайжон раҳбарлари, қардош республикаларнинг делегациялари ҳозир бўдилар.

Митингда Озарбайжон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ю. Охундов кириш нутқи сўзлади.

Сўнгра Боку ишчиларининг, Озарбайжон қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг, зиёлилар, хотин-қизлар, ёшларнинг вакиллари нутқ сўзладилар. Улар ўз республикаларининг экономикаси ва маданиятини ривожлантиришдаги жуда катта галабаларни ҳақида таъриб, азиз меҳмон — Никита Сергеевич Хрушчевга қизин салом топиридилар.

Митингда тўпланганлар томонидан самимий кутиб олинган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади. Ўртоқ Н. С. Хрушчев митинг қатнашчиларини Озарбайжон Совет Социалистик Республикасининг 40 йиллиги билан табриклади ва республикага янги катта муваффақиятлар тилади.

Н. С. ХРУШЧЕВ — Озарбайжоннинг фахрий нефтчиси

БОКУ, 26 апрель. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бугун денгиздаги «Нефтяне камини» шаҳарчасидаги нефтчиларнинг меҳмони бўлди. Бокудан юз километр наридаги бу жойда, Каспий сувлари устида қурилган пўлат эстакадаларда нефть қонлари, обод ишчи посёлкалари жойлашган.

Н. С. Хрушчев янги нефть қудуқларининг қазилиши билан, денгиз тубидаги бир неча метр чуқурликда жойлашган қатламлардан нефть чиқариш процесси билан танишиш ва эстакада қурилишини кўрди.

Ишчилар, инженерлар ва техник-

лар азиз меҳмонни самимий табрикладилар. Ўртоқ Хрушчев улар билан дўстона суҳбатлашди.

Денгиз нефтчилари Маданият уйи олдидаги майдонда тантанали маросим бўлди. Бунда Озарбайжон нефть ва кимё саноати ишчилари касабасоюз республика комитети кенгайтирилган пленумининг Н. С. Хрушчевга «Озарбайжоннинг фахрий нефтчиси» номини бериш тўғрисидаги қарори ўқиб эшиттирилди. Йилгиларининг қарсакалари остида меҳмонга фахрий нефть дипломи ва пармаловчининг костюми топширилди. Н. С. Хрушчевга денгиз пармалаш вишасининг макети эсдалик учун совға қилинди.

Н. С. ХРУШЧЕВ Бокудан жўнаб кетди

БОКУ, 27 апрель. (ТАСС). Озарбайжонда Совет ҳокимияти ўрнатилганига ва Компартия ташкил этилганига 40 йил тўлиши муносабати билан бўлган байрам тантаналарида қатнашган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев бугун эрта билан Бокудан Москвага жўнаб кетди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевни Озарбайжон раҳбарлари, юбилей тантаналарида қатнашган қардош республикалар делегацияларининг бошлиқлари, меҳнаткашларнинг вакиллари узатиб қолдилар.



Янгийўл райониди шаҳар паркида область қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Суратда: кенгашда Пискент райониди Тельман номли колхознинг бригадери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳакимшол М. Нуриддинов фотоси.

